

Мен Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг...

09:05 / 12.04.2018 3739

Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг бундай деяётганини эшитдим: «Албатта, одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ваҳий билан ҳисобга тортилар эдилар. Ваҳий эса тўхтаб бўлди. Энди биз сизларни фақат бизга зоҳир бўлган амалларингизга кўра ҳисобга тортамыз. Бас, ким бизга яхшилиқни зоҳир қилса, унга омонлик берамыз ва уни яқин тутамиз, унинг ботини билан бизнинг ҳеч қандай ишимиз йўқ. Ботини борасида уни Аллоҳ ҳисоб-китоб қилади. Ва ким бизга ёмонликни зоҳир қилса, биз унга омонлик бермаймыз, уни тасдиқламаймыз ҳам, гарчи у ботинини гўзал деб айтса ҳам».

Имом Бухорий ривоятлари.